

МАВЗУ:
Фавқулодда
вазиятлардан
муҳофаза қилишнинг
ҳуқуқий асослари:
стандартлар

Режа:

1. Фавқулодда вазиятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси стандартларининг аҳамияти.
2. Фавқулодда вазиятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси стандартлари.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг МОҲИЯТИ ВА АСОСИ



Ҳар бир минтақада
хавфсизликни таъминлаш
муаммолари шунчаки мавҳум
характерда бўлмайди,
ҳамда ҳар қайси минтақада
ўз хусусиятлари, хавф соладиган
ўз манбалари ва хавфсизликни
сақлайдиган ўз омиллари
бўлади.

И .А. Каримов

Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик бўйича давлат стандартлари:


- **O'z DSt 981: 2000.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари.
- **O'z DSt 982: 2000.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар.
- **O'z DSt 1014: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар.
- **O'z DSt 1015: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогноزلаш. Атамалар ва таърифлар.

- **O'z DSt 1016: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш. Асосий қоидалар.
- **O'z DSt 1017: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Техноген фавқулодда вазиятларнинг манбалари. Шикастловчи омиллар ва улар кўрсаткичларининг таснифи ва номенклатураси.
- **O'z DSt 1018: 2002.** Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар манбалари. Шикастловчи омиллар. Шикастловчи таъсир кўрсаткичларининг номенклатураси.

O'z DSt 981: 2000.

Фавқулодда вазиятларда
хавфсизлик.

Асосий тушунчаларнинг
атамалари ва таърифлари.



сон бўлиши мумкин бўлган табиий ва (ёки) табиий – антропоген (одам сабабли) ҳодиса ёки миқёси каттагина жараён.

3.31. Табиий–техноген ҳалокат: Атроф табиий муҳит тар–кибий қисмларига эга бўлган технологик объектлардаги нормал ўзаро таъсир бузилиши натижасида ривожланиб, одамлар ҳалока–тига, иқтисодий объектлари ва атроф табиий муҳит таркибий қисмлари вайрон бўлиши ва шикастланишига олиб келадиган ҳа–локатли жараён.

3.32. Техноген фавқулодда вазият: Объектда, муайян ҳудуд ёки акваторияда техноген фавқулодда вазият манбаи юзага келиши натижасида одамларнинг нормал ҳаёт ва фаолият шароити издан чиқадиган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғиладиган, аҳоли пункти, аҳоли мулкига, халқ хўжалиғига ва атроф муҳитга зарар етадиган шароит.

Изоҳ: Техноген фавқулодда вазиятлар уларнинг юзага келган жойига ва фавқулодда вазият манбаининг асосий шикастловчи омиллари характерида қараб фарқланади.

3.33. Техноген фавқулодда вазият манбаи: ФВ оқибатида объектда, муайян ҳудуд ёки акваторияда техноген фавқулодда ва–зият содир бўлган хавfli техноген ҳодиса.

Изоҳ: Саноат объектларидаги ёки транспортдаги авариялар, ёнғинлар, портлашлар ёки ҳар хил энергия турларининг бўшаб чиқиб кетиши хавfli техноген ҳодисаларга киради.

3.34. Авария: Объектда, муайян ҳудуд ёки акваторияда одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ҳамда иморатлар, иншоотлар, ускуна ва транспорт воситалари вайрон бўлишига, ишлаб чиқариш ёки транспорт жараёни издан чиқишига, шунингдек атрофдаги табиий муҳитга зарар етказилишига олиб келадиган хавfli тех–ноген ҳодиса.

Изоҳ: Одатда одамлар қурбон бўладиган йирик авария ҳалокат ҳисобла–нади.

3.35. Ҳалокат: Одамларнинг қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига зарар етишига ёхуд объектлар, моддий бойликлар ан–чагина миқдорда вайрон ва яқсон бўлишига сабаб бўлган, шу–нингдек атрофдаги табиий муҳит жиддий зарарланишига олиб келган хавfli техноген ҳодиса.

3.36. Техноген хавф: Техник тизимга, саноат ва транспорт объектига ичдан хос бўлиб, юзага келганида одамга ва атроф му–ҳитга техноген фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи таъсири кўринишида, ёхуд бу объектлар нормал ишлатилиши жа–раёнида одам ва атроф муҳит учун бевосита ёки билвосита зарар кўринишида амалга ошадиган ҳолат.

3.37. Потенциал хавfli объект; ПХО: Фавқулодда вазият манбаи юзага келиши реал хавфини туғдирувчи радиоактив, ёнғин–портлаш хавфи, хавfli кимёвий ва биологик моддалар

ишлатиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ва ташиладиган объект.

3.38. Атроф муҳит мониторинги; Мониторинг: Атроф муҳит аҳволига баҳо бериш, унда бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш ва ундаги ўзгариш тенденцияларини ўз вақтида аниқлаб бериш учун муайян программага мувофиқ мунтазам олиб бориладиган кузатув ва назоратлар тизими.

3.39. Фавқулодда вазиятларни олдиндан башорат қилиш; ФВ ни олдиндан башорат қилиш: Фавқулодда вазият юзага кели–шининг эҳтимол бўлган сабабларини, унинг илгариги ва ҳозирги манбаини таҳлил қилиш асосида фавқулодда вазият юзага келиши эҳтимолини ва ривожлана боришини олдинроқ акс эттириш.

Изоҳ: Олдиндан башорат қилиш узоқ муддатли, ҳисқа муддатли ёки опе–ратив характерда бўлиши мумкин.

3.40. Биринчи тиббий ёрдам; БТЁ: Шикастнинг зарарланган киши ҳаётига хавф солувчи оқибатларини бартараф қилиш ва ҳаёт учун хатарли асоратлар олдини олиш мақсадида рўйхатдаги ёки мавжуд ёрдам бериш воситаларини ишлатиб, жароҳатланган (шикастланган, касалланган) жойнинг ўзида ўзига ўзи (ўз–ўзига) ёки бошқа киши (бир–бирига) кўрсатадиган энг жўн тиббий тад–бирлар комплекси.

3.41. Фавқулодда вазиятларга аҳоли турмуш кечирishини таъминлаш; ФВ да аҳолининг турмуш кечирishини таъминлаш (ФВА ТКТ): Ҳудудий ва идоравий бошқарув органларининг, куч, восита ва тегишли хизматларнинг фавқулодда вазият зонасида, эвакуация маршрутларида ва жабрланган аҳолини кўчириб қўйиш (вақтинча кўчириб туриш) жойларида одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ва соғлиғини сақлаб туриш учун керакли шароит яратишга қаратилиб, мақсади, вазифалари, жойи ва вақти жиҳатидан кели–шиб олинган ва ўзаро боғлиқ фаолиятлари мажмуи.

3.42. Атроф муҳит: Одамнинг унга ва объектларга биргаликда ва бевосита таъсир этувчи табиий муҳит, ишлаб чиқариш, ижти–мой–иқтисодий ва маданий муҳит элементларидан иборат ис–тикомат ва ишлаб чиқариш фольяти воситаларининг мажмуи.

3.43. Хавfliга баҳо бериш: Хавфни ва унинг эҳтимол бўлган манбаларини идентификациялаш, уларнинг юзага келиш меха–низмининг тадқиқ қилиш, идентификация қилинган хавfli ҳоди–салар юзага келиш эҳтимолига ва уларнинг оқибатларига баҳо бе–риш.

4. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ АТАМАЛАРИ ВА ТАЪРИФЛАРИ


4.1. *Фавқулодда вазиятлардан огоҳ бўлиш*; ФВ олдини олиш: Атрофдаги табиий муҳит ва потенциал объектларнинг, фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлишини олдиндан башорат қилиш ва профилактика қилишнинг аҳволини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этилишига, шунингдек фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, муҳан-дислик – техникавий, экология – муҳофаза, санитария – гигиена, санитария – эпидемиологик ва махсус тадбирлар комплекси.

4.2. *Фавқулодда вазиятлар манбалари пайдо бўлишини профилактика қилиш*; ФВ манбалари пайдо бўлиши: Антропоген (инсон фаолияти сабабли) келиб чиқадиган фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлиши сабаб ва шароитларига йўл қўймаслик ва (ёки) барҳам бериш, шунингдек улардан етадиган зарарни чеклаш тадбирларини олдиндан ўтказиш.

4.3. *Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш*; ФВ га тайёргарлик кўриш: Муайян ҳудудда ёки потенциал хавфли объектда аҳолини ва моддий бойликларни фавқулодда вазият манбаларининг шикастловчи омиллари ва таъсиридан муҳофаза қилиш учун, шунингдек фавқулодда вазиятларни тугатишда ФВДТ бошқарув органлари, куч ва воситаларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун шароит яратувчи олдиндан ўтказиладиган тадбирлар комплекси.

4.4. *Ҳудудни фавқулодда вазиятда ишлашга тайёрлаш*; ҳудудни ФВ да ишлашга тайёрлаш: Фавқулодда вазиятларда аҳоли, халқ хўжалиги объектлари ва атрофдаги табиий муҳитнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олдиндан ўтказиладиган иқтисодий, ташкилий, муҳандислик – техника ва махсус тадбирлар комплекси.

4.5. *Халқ хўжалиги объектини фавқулодда вазиятда ишлашга тайёрлаш*; объектни ФВ га тайёрлаш: Халқ хўжалиги объектлари иш фаолиятини фавқулодда вазият манбалари пайдо бўлиши хавфини ҳисобга олиб таъминлаш, авария ва ҳалокатларнинг олдини олиш учун шароит яратиш, фавқулодда вазият манбаларининг шикастловчи омиллари ва таъсирларига қарши туриш, ходимлар ва яқин – орада яшовчи аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф солинишининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек фавқулодда вазият зонасида шошилинч ишларни оператив ўтказиш мақсадида ФВДТнинг халқ хўжалиги объектида олдиндан ўтказиладиган иқтисодий, ташкилий, муҳандислик – техника, технологик ва махсус тадбирлар комплекси.



4.6. *Аҳолига фавқулодда вазиятлардаги ҳатти-ҳаракатни ўргатиш*; аҳолига ФВ даги ҳатти – ҳаракатни ўргатиш: Фавқулодда вазият манбалари келтирган хавфлардан муҳофазаланишда, шунингдек фавқулодда вазият зоналари ва шикаст ўчоқларида шошилинч ишлар ўтказишда қатнашишда аҳоли мақсадни кўзлаб кетракли билимларни ошира бориши, кўникмаларни орттириш ва мустаҳкамлаш чоралари.

4.7. *Аҳолини эвакуация қилиш*: Фавқулодда вазият зоналаридан ёки аҳтимол бўлган фавқулодда вазият зоналаридан аҳолини пиёда ва (ёки) транспортда уюшқоқлик билан олиб чиқиш, шунингдек эвакуация қилинганларни жойлаштириш манзилларида турмуш кечиришини таъминлаш тадбирлари комплекси.

4.8. *Муҳофаза иншоотлари*: потенциал хавфли объектлардаги техноген авариялар ва ҳалокатлар ёхуд табиий офатлар оқибатлари натижасида юзага келадиган хавфлардан, шунингдек ҳозирги зарба бериш воситалари таъсиридан одамларни, техника ва мулкларни яширишга мўлжалланиб, ўша объектлар турган жойлардаги муҳандистик иншоотлари.

4.9. *Аҳолини жамоа муҳофаза воситаларига яшириш*; аҳолини ЖМВга яшириш: Фавқулодда вазиятлар юзага келганда одамлар ҳаёти ва соғлигини сақлаб қолиш мақсадида аҳолини жамоа муҳофаза воситаларига (пана жой) йиғиш, жойлаштириш ва унинг турмуш кечиришини таъминлаш.


4.10. *Пана жой, Бош пана*; Ҳозирги зарба бериш воситаларидан, хавфли кимёвий ва радиоактив моддаларнинг шикастловчи омиллари ва таъсирларидан муҳофаза қилиш мақсадида одамларни яшириш учун ичкарисида муайян вақт мобайнида шароит таъминланиб туриладиган муҳофаза иншооти.

4.11. *Радиациядан яшириниш жойи*; РЯЖ: Аҳолини ионловчи нурланишнинг шикастловчи таъсиридан яширишга ва яшириниш жойидаги даврида унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаб туришга мўлжалланган муҳофаза иншооти.

4.12. *Жамоа муҳофаза воситаси*; ЖМВ: Потенциал хавфли объектлардаги авария ва ҳалокатлар ёхуд ўша объектлар турган жойлардаги табиий офатлар оқибатларидан, шунингдек замонавий зарба бериш воситалари таъсиридан одамлар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида улар гуруҳларини яширишга мўлжалланган муҳофаза иншооти.

4.13. *Шахсий муҳофаза воситаси*; ШМВ: Одамни ёки ҳайвонни радиоактив, хавфли кимёвий ва биологик моддалардан ҳамда уларнинг таъсирдан муҳофаза қилишга мўлжалланган предмет ёки предметлар гуруҳи.

4.14. *Шахсий тиббий муҳофаза воситалари*; ШМТВ: Фавқулодда вазият шикастловчи омилнинг одамга таъсири олдини



олишга ёки уни камайтиришга мўлжалланган тиббий препарат ёки буюм.

5. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ТУГАТИШ АТАМАЛАРИ ВА ТАЪРИФЛАРИ

5.1. **Қутқарувчи:** Авария – қутқариш ишлари ўтказиш вази – фаларини бажарадиган, ФВ ни тугатиш кучлари ва воситаларидаги бўлинма ёки тузилмада хизмат қилувчи, аттестация тартибда тасдиқланадиган тегишли тайёргарлиги ва малакаси бор мутахас – сис.

5.2. **Фавқулодда вазиятларда шошилич ишга киришиш;** ФВ да шошилич ишга киришиш: ФВДТ раҳбарлик ва кундалик бошқарув органларининг фавқулодда вазият юзага келгани факти ҳақида дарҳол информация олиш, бу ҳақда аҳоли ва манфаатдор ташкилотларга вақтида хабар бериш, шунингдек шароитга аниқлик киритиш, қарорга келиш ва фавқулодда вазиятларни тугатиш кучлари ва воситаларининг ҳатти – ҳаракатларини ташкил этиш юзасидан ўзаро боғлиқ фаолиятини амалга ошириш.

5.3. **Фавқулодда вазият зонасида разведка:** Шошилич ишларни самарали ўтказиш ва аҳоли турмуш кечиришини таъминлашни ташкил этиш учун фавқулодда вазият зонасидаги шароит ҳақида ишончли маълумот йиғиш ва уни ФВДТ нинг кундалик бошқарув органлари ва кучларига беришдан иборат бў – либ, ФВДТ фаолияти, куч ва воситаларини таъминлаб бориш тури.

Изоҳ: Разведканинг қуйидаги турлари бўлади: биологик разведка, муҳан – дислик разведкаси, тиббий, радиацион, санитария – эпидемиологик ва кимё – вий разведкаси.

5.4. **Фавқулодда вазиятдаги авария – қутқариш ишлари** (ФВ даги АҚИ): Ёнғинларни чеклаш ва ўчириш, суяқ ёқилги, газ, электр энергияси ва сув келадиган манбаларни авариянинг олдини олиш мақсадида узиб қўйиш, одамларни қидириш ва қутқариш, шунингдек шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш ва зарурат бўлса уларни фавқулодда вазият зонасида ташқаридаги ихтисослашган тиббиёт муассасаларига эвакуация қилиш юзасидан фавқулодда вазият зонасидаги биринчи галдаги ишлар.

5.5. **Фавқулодда вазиятдаги шошилич ишлар:** Фавқулодда вазият зонасида авария – қутқариш ва авария – қайта тиклаш ишлари ўтказиш, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш, санитария – эпидемиологик тадбирлар ўтказиш ва жамоат тартибини сақлаш.

5.6. **Фавқулодда вазиятдаги авария – қайта тиклаш ишлари** (ФВ даги АҚТИ): Фавқулодда вазият зонасидаги вайроналик ва хавф – хатар кучли бўлган алоҳида ўчоқларни чеклаш, коммунал ва ишлаб чиқариш коммуникация тармоқларидаги авария ва

(носозликларни) бузуқликларни тузатиш, аҳолининг турмуш ке – чирлигини таъминлаш учун керакли минимал даража шароит яратиш, шунингдек ҳудудни санитария – тозалаш ва зарарсизлан – тириш юзасидан фавқулодда биринчи галдаги ишлар.

5.7. **Фавқулодда вазиятлардаги шошилич тиббий ёрдам** (ФВ даги шошилич тиббий ёрдам): Фавқулодда вазият зонасида шикастланган, жароҳатланган, касалланиб қолган одамларга хавф соладиган ҳолларда қисқа муддатда амалга ошириладиган шоши – линч даволашнинг ташхис қўйиш, санитария – эпидемиологик, даволаш – эвакуация ва даволаш тадбирлари комплекси.

5.8. **Фавқулодда вазият зонасида жамоат тартибини сақлаш** (ФВ зонасида жамоат тартибини сақлаш): Барча турдаги транспортлар ҳаракатини ташкил этиш ва тартибга солиб туриш, ҳар қандай мулкчилик шакли моддий бойликларини ва жабрлан – ганлар шахсий мулкларини қўриқлаш, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини, фуқаролар ва транспорт воситаларининг кириш ва чиқиш тартибини таъминлаш юзасидан жамоат тартибини сақлаш кучларининг фавқулодда вазият зонасидаги ҳатти – ҳаракатлари.

5.9. **Махсус ишлов бериш.** Шахсий таркиб (аҳоли) тузилмала – рига санитар ишлов бериш, муҳофазани воситалари, транспорт ва бошқа буюмларни зарарлантириш (деактивация, дегазация ва де – зинфекция) тадбирларининг мажмун.

5.10. **Санитария ишловидан ўтказиш;** Санишлов ўтказиш: Радиоактив, хавфли кимёвий ва биологик моддалар заҳарлаган ва теккан одамларнинг терилари ва шиллиқ пардаларини механик тарзда тозалаш ва ювиш, шунингдек фавқулодда вазият зонасида чиқаётганда уларнинг кийим ва пойфазаларини зарарсизланти – риш. У доим махсус ишлов бериш таркибда олиб борилади.

6. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БУНДАЙ ВАЗИЯТЛАР – ДАГИ ҲАТТИ – ҲАРАКАТ ДАВЛАТ ТИЗИМИ (ФВДТ) ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИНИНГ АТАМАЛАРИ ВА ТАЪРИФЛАРИ

6.1. **Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими** (ФВДТ): Тинчлик ва уруш вақтида фавқулодда вазиятларнинг ол – дини олиш ҳамда уларни тугатиш тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун республика ва маҳаллий ҳокимият органла – рининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг аҳоли ва ҳудуд – ларни фавқулодда вазиятлардан муҳофазани қилиш масалаларини ҳал

6.15. **ФВДТ раҳбарлар таркибини тайёрлаш:** ФВДТ раҳбарлик ҳамда кундалик бошқарув органлари ва кучларининг раҳбарлар таркиби назарий билимларини ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш юзасидан ташкилий ва ўқув-методик тадбирлар комплекси.

6.16. **ФВДТ кучларини тайёрлаш:** Фавқулодда вазиятлар олдини олиш, фавқулодда вазият зоналарида разведка олиб бориш ва шошилинч ишларни самарали бажариш юзасидан ФВДТ кучлари шахсий таркибининг назарий билимларини ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришнинг ўқув ва ташкилий тадбирлари комплекси.

6.17. **Худудий авария-қутқариш хизматининг қутқариш тузилмаси;** Худудий АХХ тузилмаси: Табиий муҳитнинг мураккаб шароитида альпинистик, сув сирти ва экскурсион-сайёҳлик тадбирларида қатнашаётган вақтда фалокатга учраган ёки экстремал шароитга тушиб қолган аҳоли гуруҳларини ёки алоҳида фуқароларни қидириш ва қутқариш учун, шунингдек фавқулодда вазият зоналаридаги ўтиш қийин бўлган ер участкаларида ёки акваторияда, ёхуд йирик инфраструктура иншоотларида алпинистик-тепагирлик, сувда қутқарувчилик ва спелеологик йўллар ва тегишли анжомлар ишлатилишини талаб қиладиган авария-қутқариш ишлари ўтказиш учун махсус техника ва анжомлар билан жиҳозланиб, доим шай турадиган профессионал-қутқарувчилар бўлинмаси.

6.18. **Авария-қутқариш хизмати;** АҚХ: Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ижроия ҳокимият органларининг ўзига қарашли ёки ўзи хизмат кўрсатадиган халқ хўжалиги объектларида ва уларга туташ ҳудудларда фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва уларни тугатиш юзасидан ўз ваколати доирасида шошилинч ишларни ташкил этишга ва ўтказишга мўлжалланган функционал-ташкилий структура.

6.19. **Авария-қутқариш кучлари;** АҚК: ФВДТнинг бўлинмалари, базалари, ҳарбийлашган қисмлари ва ихтисослашган тузилмалари.

6.20. **Доимо шай қидирув-қутқариш кучлари;** ДШҚҚК: ФВТ кучлари ва воситаларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ҳориждаги фавқулодда вазият зоналарига тезда етиб бориб, шошилинч ишларни иложи борича қисқа муддатда ўтказишга мўлжалланган ва навбатчиликда турадиган таркибий қисм.

6.21. **Авария-қутқариш тузилмалари:** Махсус техника ва анжомлар билан қуролланган ҳамда фавқулодда вазият зонасида авария-қутқариш ишларини тез ўтказишга мўлжалланиб, доимо шай турадиган, профессионал тайёргарлик кўрган кишилар гуруҳи.

6.22. **Авария-қайта тиклаш тузилмалари:** Фавқулодда вазият зоналарида турмуш кечиришни таъминловчи биринчи галдаги объектларни қайта тиклаш шошилинч ишларини бажариш мақсадида ижроия органларининг тегишли қурилиш ва монтаж ташкилотларида ташкил этиладиган профессионал қурувчилар гуруҳи.

7. ЭНГ МУҲИМ СЎЗЛАР

Фавқулодда вазият, фавқулодда вазиятлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларни тугатиш, фавқулодда вазият манбаи, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими, фуқаро муҳофазаси.

8. АТАМАЛАРНИНГ АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ КЎРСАТКИЧИ.

Авария	3.34
Авария-қайта тиклаш тузилмалари	6.22
Авария-қутқариш кучлари	6.19
Авария-қутқариш тузилмалари	6.21
Авария-қутқариш хизмати	6.18
Атроф муҳит	3.42
Атроф муҳит мониторинги	3.38
Аҳолига фавқулодда вазиятлардаги ҳатти-ҳаракатни ўргатиш	4.6
Аҳолини ва ҳудудларни ФВ да муҳофаза қилиш	3.2
Аҳолини жамоа муҳофаза воситаларига яшириш	4.9
Аҳолини эвакуация қилиш	4.7
Биринчи тиббий ёрдам	3.40
Доимо шай қидирув-қутқариш кучлари	6.20
Жамоа муҳофаза жойи	4.12
Маҳаллий фавқулодда вазият	3.24
Муҳофаза иншоотлари	4.8
Махсус ишлов бериш	5.9
Пана жой	4.10
Потенциал хавфли объект	3.37
Радияциядан яшириниш жойи	4.11
Республика фавқулодда вазияти	3.25
Санитария ишловидан ўтказиш	5.10
Табиий офат	3.30

O'z DSt 982: 2000.

Фавқулодда вазиятларда
хавфсизлик.

Табиий фавқулодда вазиятлар.
Атамалар ва таърифлар.



3. ТАБИЙ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР

3.1. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

3.1.1. **Табиий фавқулодда вазият (ТФВ):** O'z DSt 981:2000 Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифларига мувофиқ табиий ФВ.

Изоҳ: Табиий фавқулодда вазиятлар хосил бўлиш хусусияти ва тарқалиш майдони бўйича фарқланади.

3.1.2. **Табиий фавқулодда вазият манбаи (ТФВМ);** ТФВМ — O'z DSt 981:2000 Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифларига мувофиқ.

3.1.3. **Табиий фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи омили;** ТФВМ нинг шикастловчи омили: Хавфли табиий ҳодиса ёки жараённинг табиий фавқулодда вазият манбаи келтириб чиқарган ҳамда тегишли параметрларда аниқланадиган ёки ифодаланадиган физик, кимёвий, биологик таъсир этиш ёки кўриниш билан тавсифланадиган таркибий қисми.

3.1.4. **Табиий фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи таъсири;** Табиий ФВ манбаининг шикастловчи таъсири: Табиий фавқулодда вазият битта ёки жамланган шикастловчи таъсирининг одамлар ҳаёти ва соғлигига, қишлоқ хўжалик моллари ва ўсимликларга, иқтисодийёт объектлари ва атрофдаги табиий муҳитга салбий таъсири.

3.1.5. **Хавфли табиий ҳодиса:** O'z DSt 981:2000 Фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари.

3.1.6. **Табиий офат:** O'z DSt 981:2000 Фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари.

3.1.7. **Табиий-техноген ҳалокат:** O'z DSt 981:2000 Фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари.

3.1.8. **Атрофдаги табиий муҳит:** Табиий муҳитнинг одамга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган, соф табиий ва одам фаолияти оқибатида ўзгарган элементлари мажмуи.

3.1.9. **Хавфли табиий жараён:** Атрофдаги табиий муҳитнинг ва (ёки) унинг алоҳида таркибий қисмларининг ҳолати, таркиби ва хусусиятларининг ўз интензивлиги, миқёси ва қанча давом этишига мувофиқ атроф муҳитнинг, одамнинг яшаш шароити ёмонлашувига, шунингдек фавқулодда вазият ривожланишига хўжалик фаолияти зарар кўришига олиб келадиган ёки олиб келиши потенциал мумкин бўлган ўзгариши.

3.1.10. **Табиий фавқулодда вазият зонаси;** Табиий ФВ зонаси: Табиий фавқулодда вазият манбаи пайдо бўлиши ёки унинг оқибатлари бошқа жойлардан тарқалиб келиши натижасида табиий фавқулодда вазият юзага келган ҳудуд ёки акватория.

3.1.11. **Табиий фавқулодда вазият эҳтимоли бор зона;** Табиий ФВ эҳтимоли бор зона: Табиий фавқулодда вазият юзага келиши хавфи мавжуд бўлган ёхуд бундан мустасно бўлмаган ҳудуд ёки акватория.

3.2. ХАВФЛИ ГЕОЛОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁНЛАР

3.2.1. **Хавфли геологик ҳодиса:** Геологик келиб чиқиши ёки ер қобиғида турли табиий ёки геодинамик омиллар ҳамда уларнинг бирга қўшилиши таъсирида содир бўлиб, одамларга, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликларга, иқтисодийёт объектларига ва атрофдаги табиий муҳитга шикастловчи таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган натижа.

3.2.2. **Зилзила:** Ер қобиғининг ёки Ер мантияси (ички қобиғи) юқори қисмининг тўсатдан сурилиб кетиши ва ёрилиши натижасида содир бўлиб, қайишқоқ тўлақинлар кўринишида узоқ масофаларга етиб борадиган ер ости силкинишлари ва ер юзаси тебранишлари.

3.2.3. **Зилзила ўчоғи:** Ер қобиғи қатламида ёки мантия юқори қисмида зилзилага сабаб бўладиган ер ости зарбаси содир бўлган жой.

3.2.4. **Зилзила маркази:** Зилзила ўчоғи марказининг ер юзасига проекцияси.

3.2.5. **Зилзилани олдиндан башкорат қилиш:** Эҳтимол бўлган зилзила жойи ва майдонини, қутилаётган зилзила вақтлари оралиғини (интервалини) ва энергиясини ёки магнитудасини белгилаш ва унга аниқлик киритиш.

3.2.6. **Зилзила даракчиси:** Бўлажак ёки эҳтимоли бўлган зилзиланинг эҳтимол бўлган зилзила ўчоғи зонасида форшоклар, ер юзасининг деформацияси тарзида, геофизик майдонлар параметрлари, ер ости сувларининг таркиби ва режими хусусиятлари ўзгариши тарзида ифода топадиган белгиларидан бири.

3.2.7. **Сейсмик хавфсизлик:** Аҳолининг, иқтисодийёт объектларининг ва атрофдаги табиий муҳитнинг зилзила натижасида юзага келадиган хавфлардан муҳофазаланганлик ҳолати.

3.2.8. **Сейсмик хавфсизликни таъминлаш:** Одамларни, иқтисодийёт объектларини ва атрофдаги табиий муҳитни зилзиланинг шикастловчи омиллари таъсиридан муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш ва уларга риоя қилиш, экологик ва сейсмомуҳофаза қоидалари ва талабларини

бажариш, шунингдек ташкилий, олдиндан башорат қилиш, муҳан – дислик – техник сейсмомуҳофаза ва махсус тадбирлар ўтказиш.

3.2.9. Сейсмик районлаштириш: Геологик ва геофизик маълумотларни комплекс таҳлил қилиш асосида Ер юзасини по – тенциал сейсмик хавф даражасига қараб, вилоятлар, туманлар ёки алоҳида ер юзаси участкаларига бўлиб чиқиш.

3.2.10. Ҳудудларнинг сейсмохавфли жойлари: Чегараси ичида потенциал сейсмик хавф даражасига макросейсмик интенсивлик ва зилзила пайтида ернинг тебранишлари мумкин қадар максимал тезланишли бўлиш хусусияти хос бўлган зилзилалар юз бериши мумкин бўлган тоғли – паст – баланд жойлар ёки фаол платформа.

3.2.11. Сейсмик тўлқин: Зилзила ва портлаш ўчоқларидан Ер ичида тарқаладиган қайишқоқ тебранишлар.

3.2.12. Сейсмик шкала: Ер юзасида зилзила интенсивлигига баҳо бериш шкаласи.

3.2.13. Кўчки: Тоғ жинсларининг ўз оғирлиги ҳамда ён – бағирнинг ювилиши, ўта ивиши, сейсмик силкиниш ва бошқа жа – раёнлар натижасидаги қўшимча куч таъсирида ёнбағир бўйлаб силжиши.

3.2.14. Кўчкига қарши муҳофаза: Кўчки жараёни юзага ке – лиши ва ривожланиши олдини олишга, одамлар ва ҳудудларни кўчкилардан муҳофаза қилишга, шунингдек кўчки юзага келиш хавфи ҳақида ижроия ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига вақтида хабар беришга қаратилган қўриқлаш – чеклаш ва муҳандистлик – техник тадбирлар комплек – си.

3.2.15. Ўпирилиш: Тик тушган ва жарли тоғ ёнбағирларида, дарё водийларида ва денгиз қирғоқларида асосан шамол учуриб кетиши (нураш), ер усти ва ер ости сувлари фаолияти таъсирида тоғ жинсларининг боғлиқлиги бўшашиши ҳисобига катта массалар ва тоғ жинсларининг узилиб ва ағдарилиб тушиши.

3.2.16. Ўпирилишга қарши муҳофаза: Ўпирилиш жараёни юзага келиши ва ривожланишининг олдини олишга, одамлар ва ҳудудларни ўпирилишлардан муҳофаза қилишга, шунингдек ўпи – рилиш юзага келиши хавфи ҳақида ижроия ҳокимияти ёки ўз – ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига вақтида хабар беришга қаратилган қўриқлаш – чеклаш ва муҳандислик – техника тадбирлар комплекси.

3.2.17. Кўчкини олдиндан башорат қилиш: Кўчки юзага ке – лиш эҳтимоли ва ривожланишининг ҳудуди, вақти ҳамда бошқа параметрларини белгилаш ва унга аниқлик киритиш

3.2.18. Ўпирилишни олдиндан башорат қилиш: Ўпирилиш юзага келиш эҳтимолининг ва ривожланишининг ҳудуди, вақти ҳамда бошқа параметрларини белгилаш ва унга аниқлик киритиш.

3.3. ХАВФЛИ ГИДРОЛОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁНЛАР

3.3.1. Хавфли гидрологик ҳодиса: Гидрологик келиб чиқишли ҳодиса ёки турли табиий ёки гидродинамик омиллар ёки уларнинг бирга қўшилиши таъсирида содир бўлиб, одамларга, қишлоқ хў – жалик ҳайвонлари ва ўсимликларга, иқтисодиёт объектларига ва атрофдаги табиий муҳитга шикастловчи таъсир кўрсатадиган на – тижаси.

3.3.2. Сув тошқини: Қорлар (музликлар)нинг шиддат билан эриши, шаррос ёмғир ёғиши, дарё ўзанининг бир жойига муз тиқилиб қолиши, пўртана шамол денгизда (катта кўл ёки сув ом – боридан) сув ҳайдаши ёхуд гидротехника иншооти уриб кетиши сабабли анча катта ҳудудни сув босиши.

3.3.3. Тошқин: Кўклам – ёз даврида дарё ҳавзасида қорлар (музликлар) эриши натижасида ер юзасини секин – аста сув боса бориши ва унинг сувдан секинлик билан ҳоли бўла бориши.

3.3.4. Сув кўпайиши: Кўклам – ёз даврида ёки эрувчанлик вақтида шаррос ёмғир ёғиши ёки қорлар (музлар) шиддат билан эриши натижасида дарёда сув сатҳининг тез интенсив, лекин қисқа муддатли кўтарилиши.

3.3.5. Тиқилиб қолиш: Дарё ўзанининг бир жойида муз тў – планиб қолиб, оқим бўйлаб юқори томонда сув босиши мумкин бўлган даражада сув кўтарилиши.

3.3.6. Шовуш: Мутлақ музлаган дарё ўзанининг тор ва бури – лиш жойларида ғовак муз тиқилиб, оқим бўйлаб юқори томонда сув босиши мумкин бўлган даражада сув кўтарилиши.

3.3.7. Ординар (сувнинг сатҳи): Ўрта ҳисобдаги (кўп йиллик кузатув тажрибаси) сув сатҳи.

3.3.8. Сув босиши: Майдонни тошқин, сув кўпайиши нати – жасида сув билан қопланиши.

3.3.9. Сув кўтарилиши: Сизот суви сатҳи кўтарилиши на – тижасида қурулиш иншоатлари ва бошқа объектларга салбий таъсир кўрсатиши.

3.3.10. Сув босиш зонаси: Сув оқимининг кўпайиши нати – жасида ўзан атрофидаги майдонлар, камраб олиши.

3.3.11. Сув босиш ихтимоли бор зона: Ихтимоли бор ёки башорат қилинган сув босиш майдони.

3.3.12. Халокатли сув босиш зонаси: Одамлар қурбон бў – лиши, қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳайвонлар, атроф муҳитга жиддий зарар етиш зонаси.

3.3.13. Халокатли сув босиш ихтимоли бор зона: Одамлар қурбон бўлиши, қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳайвонлар, атроф муҳитга жиддий зарар етадиган халокатли сув босиш ихтимоли бор ёки башорат қилинган майдон.

3.3.14. **Сел:** Таркибида тош, қум, лой ва бошқа қаттиқ жисмлар бўлган жўшқин сув оқими.

3.3.15. **Сел ҳудуғи:** Одамлар, иқтисодиёт объектлари ва атрофдаги табиий муҳит учун хавфли сел жараёнлари интенсив ривожланиши хос бўлган ҳудуд.

3.3.16. **Селни олдиндан башорат қилиш:** Селнинг содир бўлиш эҳтимоли бор ҳудудни, унинг вақти ва бошқа параметрларини аниқлаш ёки буларга аниқлик киритиш.

3.3.17. **Селга қарши муҳофаза:** Сел жараёнлари содир бўлиши ва ривожланишининг олдини олиш, шунингдек сел келиш хавфи ҳақида ижроия ҳокимият ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ва аҳолига хабар беришга қаратилган қўриқлаш—чеклаш ва муҳандислик—техник тадбирлар.

3.3.18. **Қор кўчкиси:** Тўсатдан пайдо бўлиб, тик тоғ ёнбағир бўйлаб пастга томон тез ёпирилиб тушиб одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган, иқтисодиёт объектларига ва атрофдаги табиий муҳитга зарар етказадиган қор ва (ёки) муз сурилиши.

3.3.19. **Кўчки хавфи бор ҳудуд:** Одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилишига, иқтисодиёт ва атроф муҳитга зарар етишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган кўчки кўчиши—нинг потенциал хавфи бўлган тоғлик жойлар.

3.3.20. **Қор кўчкисини (кўчкини) олдиндан башорат қилиш:** Содир бўлиши ва ривожланиши мумкин бўлган қор кўчкисининг (кўчкининг) ҳудудини, вақти ва бошқа параметрларини аниқлаш.

3.3.21. **Қор кўчкисига қарши муҳофаза:** Қор кўчкиси ҳосил қилувчи жараёнлар юзага келишининг олдини олишга, шунингдек ижроия ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ва аҳолига қор кўчкиси кўчиши хавфи ҳақида вақтида хабар беришга қаратилган қўриқлаш—чеклаш ва муҳандислик—техник тадбирлар комплекси.

3.4. ХАВФЛИ МЕТЕОРОЛОГИК ҲОДИСА ВА ЖАРАЁНЛАР

3.4.1. **Хавфли метеорологик ҳодисалар:** Турли табиий омиллар ёки уларнинг бирга қўшилиши таъсирида атмосферада содир бўлиб, одамларга, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва ўсимликларга, иқтисодиёт объектлари ва атрофдаги табиий муҳитга шикастловчи таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган табиий жараёнлар ва ҳодисалар.

3.4.2. **Шамол:** Ер юзасига нисбатан ҳавонинг турли тезликда ҳаракатланиши.

3.4.3. **Қаттиқ шамол:** Ер юзасига нисбатан ҳавонинг тезлиги ёки горизонтал таркиб этувчиси 14 м/сек дан ортиқ бўлган ҳаракатланиши.

ЎЗБАҚСТАНДАРТ
Республика
стандарт. 982 : 2000

3.4.4. **Тўфон:** Шамолнинг 20—30 м/сек ва ундан ортиқ тезликка етиб, қисқа вақтли кескин кучайиши билан бирга унинг йўналишнинг конвектив жараёнлар билан боғлиқ ўзгариши.

3.4.5. **Пўртана:** Тезлиги 20 м/сек дан ортиб, денгизда кучли тўлқинланиш ва қуруқликда вайронликлар келтириб чиқарадиган, узоқ давом этадиган жуда қаттиқ шамол.

3.4.6. **Довул:** Тезлиги 32 м/сек дан ортадиган, вайрон қилувчи ва анча давом этадиган шамол.

3.4.7. **Уюрма:** Ҳаво ўзининг вертикал ёки горизонтал ўқи атрофида айланиб ҳаракатланадиган атмосфера ҳосиласи.

3.4.8. **Қуюн:** Диаметри 1000 м гача етиб, ичида ҳаво 100 м/сек гача тезликда айланадиган, вайрон қилувчи катта кучи бор кичик миқёсли қаттиқ атмосфера оқими.

3.4.9. **Ёмғир:** Турли вақт мобайнида атмосферадан ерга ёғиладиган суюқ ёғинлар.

3.4.10. **Давомли ёмғир:** Бир неча кеча—кундуз мобайнида атмосферадан узлуксиз ёки қарийб узлуксиз ёғиб, сув кўпайиши, сув босиши ва қисман сув босишига сабаб бўладиган суюқ ёғинлар.

3.4.11. **Жала:** Одатда ёмғир ёки қор шаклида бўлиб, интенсивлиги зўр, қисқа муддатли атмосфера ёғинлари.

3.4.12. **Момақалдиروق:** Ёмғирли жуда катта тўп—тўп булутлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ, булутлар билан ер юзаси орасидаги кўп қарра электр разрядлари, товуш ҳодисалари, кўпинча дўл аралаш қаттиқ ёғингарчилик билан бирга бўладиган атмосфера ҳодисаси.

3.4.13. **Дўл:** Йилнинг илиқ вақтида, диаметри 5 мм дан 15 см гача етадиган зич муз бўлакчалари шаклида, одатда момақалдиروق вақтида жала ёмғир билан бирга тушадиган атмосфера ёғинлари.

3.4.14. **Қор:** Ҳаво ҳарорати 0°C дан паст вақтида булутлардан турли шаклда ёғадиган муз кристаллари ёки қор учқунларидан иборат қаттиқ атмосфера ёғинлари.

3.4.15. **Кучли қор ёғиш:** Кўриниш анча ёмонлашувига ва транспорт юриши қийинлашувига олиб келадиган бўлиб, булутлардан узоқ вақт интенсив қор ёғиши.

3.4.16. **Кучли қор бўрони:** Қаттиқ шамол, эҳтимолки қор ёғиб туриши билан бирга, кўриниш ёмонлашадиган ва магистралларни қор босиб кетадиган қилиб, қорни кўчириб юриши.

3.4.17. **Яхмалак:** Ўта совуған ёмғир томчилари ёки туман музлаб, ер юзасида ва нарсалар устида ҳосил бўладиган зич муз қатлами.

3.4.18. **Туман:** Конденсация маҳсулотларининг бевосита ер юзаси устидаги ҳавода томчи ёки кристалл шаклида муаллақ туриб, кўринишни анчагина ёмонлаштирадиган тўлқинлиши.

ЎЗБАҚСТАНДАРТ
Республика
стандарт. 982 : 2000

3.4.19. *Тўзонли бўрон*: Қаттиқ шамол кўп миқдордаги чанг ёки қумнинг кўринишини ёмонлаштириб, тупроқ устки қатламни қадалган уруғ ва ёш ўсимликлар билан бирга учириб кетиб, экин ва транспорт йўллари кўмиб кўчириб юриши.

3.4.20. *Қурғоқчилик*: Метеорологик омилларнинг юқори ҳарорат ва ҳаво намлиги пасайиши билан бирга қўшилиб узоқ вақт ёғин бўлмаслиги, ўсимликлар сув баланси бузилишига олиб келувчи ҳамда уларнинг сўлиши ва ҳалок бўлишига сабаб бўлувчи ходиса.

3.4.21. *Қурғоқчиликни олдиндан башорат қилиш*: Қурғоқчилик юзага келиш эҳтимолини ҳамда ривожланиш ҳудудини, вақти ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда уларга аниқлик киритиш.

3.5. ТАБИЙ ЁНҒИН

3.5.1. *Табиий ёнғин*: Табиий ҳолатда юзага келиб катта майдонларни қамраб оладиган ёнғин жараёни.

3.5.2. *Ёнғин*: Махсус жойлардан ҳоли ҳолатда катта талофатлар келтирадиган оловли жараён.

3.5.3. *Ўрмон ёнғини*: Катта майдонлардаги ўсимлик ва дархтларни қамраб олган ёнғин.

3.5.4. *Чўл ёнғини*: Очиқ майдондаги қуриган ўт-ўланларда содир бўладиган ёнғин.

3.5.5. *Ёнғин майдони*: Табиий шароитда ёки инсонларнинг ноқуя ҳаракати натижасида юзага келган майдонлар.

3.6. ХАВФЛИ ЭПИДЕМИОЛОГИК, ЭПИЗООТИК ВА ЭПИФИТОТИК ВАЗИЯТЛАР

3.6.1. *Жуда хавфли инфекция*: Битта-яримта ўлат, вабо, иситма-безгак касалликлари келтириб чиқарган инфекция.

3.6.2. *Одамларнинг инфекция риккетсия касаллиги*: Одамлар тепкили терлама, Бриль касаллиги, Ку-безгак билан касалланиши.

3.6.3. *Зооноз инфекция*: Куйдирги, қутуриш касалликлари, бруцеллез, лиштоспироз.

3.6.4. *Вирусли инфекция*: СПИД, грипп, оспа, вирус гепатити.

3.6.5. *Эпидемия*: Битта аҳоли пунктида 50 ва ундан ортиқ киши юқиш манбаи битта ёки юқиш омиллари бир хил, жуда

хавфли инфекциялар сирасига кирмайдиган гуруҳли инфекцион касалликлар билан касалланиши.

3.6.6. *Этиологияси аниқланмаган гуруҳли касаллик*: 20 ва ундан ортиқ одам касалланиши.

3.6.7. *Ташхиси қўйилмаган иситма-безгак касаллиги*: 15 ва ундан ортиқ кишининг сабаби номаълум иситмага учраши.

3.6.8. *Токсик моддалардан заҳарланиш*: Жабранганлар 10 киши бўлиб, 2 ва ундан ортиқ киши ҳалок бўлган заҳарланиш.

3.6.9. *Овқатдан оммавий заҳарланиш*: Жабранганлар 10 киши бўлиб, 2 ва ундан ортиқ киши ҳалок бўлган заҳарланиш.

3.6.10. *Эпизоотиялар*: Ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки ҳалок бўлиши.

3.6.11. *Эпифитотиялар*: Ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлиши.

4. ЭНГ МУҲИМ СЎЗЛАР

Табиий фавқулодда вазият; хавфли табиий ҳодиса; табиий фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи таъсири; табиий фавқулодда вазият зонаси; хавфли геологик ҳодиса; хавфли гид-рологик ҳодиса; хавфли метеорологик ҳодиса, сейсмик хавфсизлик, табиий пожар, эпидемия, эпизоотия, эпифитотия.

5. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАРНИНГ АЛИФБО ТАРТИБИДАГИ КЎРСАТКИЧИ

Атрофдаги табиий муҳит	3.1.8
Вирусли инфекция	3.6.4
Давомли ёмғир	3.4.10
Довул	3.4.6
Дўл	3.4.13
Ёмғир	3.4.9
Жала	3.4.11
Жуда хавфли инфекция	3.6.1
Зилзила	3.2.2
Зилзила даракчиси	3.2.6
Зилзила ўчоғи	3.2.3
Зилзила маркази	3.2.4
Зилзилани олдиндан башорат қилиш	3.2.5
Зооноз инфекция	3.6.3
Кучли қор бўрони	3.4.16
Кучли қор ёғиш	3.4.15
Кўчки	3.2.13

O'z DSt 1014: 2002.

Фавқулодда вазиятларда
хавфсизлик.

Техноген фавқулодда
вазиятлар.

Атамалар ва таърифлар

3.1. Умумий тушунчалар

3.1.1. **Техноген фавқулодда вазият:** O'z DSt 981.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари".

3.1.2. **Техноген фавқулодда вазиятнинг манбаи;** техноген ФВ манбаи: O'z DSt 981.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари".

3.1.3. **Авария:** O'z DSt 981.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари".

3.1.4. **Техноген хавф:** O'z DSt 981.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари".

3.1.5. **Техноген фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи омилли;** техноген ФВ манбаининг шикастловчи омилли: физик, кимёвий ва биологик таъсир ёки ҳодисаларни тавсифлайдиган, тегишли кўрсаткичлар билан ифодаланадиган ёки аниқланадиган хавфли ҳолатнинг таркибий қисми.

3.1.6. **Техноген фавқулодда вазият манбаининг шикастловчи таъсири;** техноген ФВ манбаининг шикастловчи таъсири: техноген хусусиятли фавқулодда вазият манбаи бир ёки бир нечта шикастловчи омилларининг аҳоли ва ҳудудларга етказадиган салбий таъсири.

3.1.7. **Потенциал хавфли объект:** O'z DSt 981.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Асосий тушунчаларнинг атамалари ва таърифлари".


3.1.8. **Потенциал хавфли модда;** хавфли модда: физик, кимёвий, биологик, токсикологик ва бошқа хусусиятлари туфайли аҳоли саломатлиги ва ҳудудларга хавф тугдирадиган модда.

3.1.9. **Хавфли модданинг меъёрий концентрацияси;** ММК: инсонга таъсир этиб узоқ муддат давомида патологик ўзгариш ва бепатологик олиб келмайдиган миқдор. ММК аҳоли пунктлари атмосфераси (ўртача суткали ва ММК бир марта максимал ҳолати), ишлаб чиқаришдаги иш жойлари, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларидаги турларига бўлинади.

3.1.10. **Токсинлик (заҳарлилик):** кимёвий хавфли модданинг (КХМ) тирик организм ва атроф муҳитга зарар етказувчи хоссаларини белгилайдиган хусусияти.

3.1.11. **Токсинли доза (заҳарли миқдор), бошланғич концентрация:** КХМнинг зарарланишнинг бошланғич аломатларини келтириб чиқарадиган энг кам концентрацияси.

3.1.12. **Ўлимга олиб келадиган концентрация (токсинли доза):** КХМнинг ўлим оқибатига олиб келадиган концентрацияси.



3.1.13. **Зарарланиш зонаси:** аҳоли ва ҳудудларга маълум вақт мобайнида хавф тугдирадиган миқдордаги хавфли кимёвий ва биологик модда киритилган ёки тарқатилган ҳудуд ва акваториялар.

Эслатма: Эҳтимолий ва реал зарарланиш зонаси, кимёвий ва биологик зарарланиш зонаси, ҳамда қайтарилмас ва санитар зарарланиш зоналари маъжуда

3.2. Ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлари

3.2.1. **Ишлаб чиқариш аварияси:** ишлаб чиқариш объекти, муҳандис-техник тизимдаги ёки иншоотдаги, ишлаб чиқариш ёки тажрибавий қурилмадаги авария.

3.2.2. **Лойиҳадаги ишлаб чиқариш аварияси:** лойиҳада дастлабки ва охири ҳолати белгилаб қўйилган ва авария оқибатларини белгиланган чегарада чеклаб қўйишни таъминловчи хавфсизлик тизимида кўзда тутилган саноят аварияси.


3.2.3. **Лойиҳадан ташқаридаги ишлаб чиқариш аварияси:** лойиҳада ҳалокат учун дастлабки ҳолатлари кўзда тутилмаганлигидан келиб чиқадиган ва лойиҳадаги аварияга нисбатан хавфсизлик тизимининг ишламай қолиши билан кечадиган ёки ходимларнинг нотўғри қабул қилган қарорларини амалга ошириш туфайли оғир оқибатларга олиб келувчи ишлаб чиқариш аварияси.

3.2.4. **Ишлаб чиқариш ҳалокати:** одамларнинг қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғига зарар етказилиши ёки объектларнинг, моддий бойликларнинг қатта миқдорда бузилиши ва йўқ бўлиб кетиши ҳамда атроф муҳитга жиддий зарар етказилишига олиб келадиган йирик ишлаб чиқариш аварияси.

3.2.5. **Фавқулодда вазиятларда ишлаб чиқариш хавфсизлиги;** ФВда ишлаб чиқариш хавфсизлиги: фавқулодда вазият зонасида ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокати туфайли юзага келадиган хавфдан аҳоли ва ҳудудларнинг муҳофазаланганлик ҳолати.

3.2.6. **Фавқулодда вазиятларда ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш;** ФВда ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлаш: ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш, экологик-муҳофаза, тармоқлар ва идораларга оид талаб ва қоидалар, ҳамда фавқулодда вазиятлар зоонасидаги ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатларининг олдини олишга қаратилган ташкилий, технологик ва муҳандис-техник ва бошқа тадбирлар мажмуини олиб бориш.

3.2.7. **Генезис:** шикастловчи омилнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.



3.3. Транспорт авариялари ва ҳалокатлари

3.3.1. Транспорт аварияси: одамларнинг қурбон бўлиши, зарар қилганларга оғир тан жароҳатлари етказилиши, транспорт иншоотлари ва воситаларининг шикастланиши ва йўқ қилиниши ёки атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келувчи авария.

Эслатма: Транспорт авариялари транспорт турига ва (ёки) хавфли юкнинг шикастловчи омилига қараб ажратилади.

3.3.2. Хавфли юк: транспортда олиб борилаётганда ёки биридан иккинчисига олиб юкланаётганда ўзига хос хусусияти туфайли одамлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид туғдириши, атроф муҳитни ифлослантириши, транспорт иншоотлари, воситалари ва бошқа турдаги мулкка шикаст етказиши ва йўқ қилиб юбориши мумкин бўлган хавфли модда, материал, буюм ва саноат чиқиндилари.

3.3.3. Темир йўл аварияси: темир йўлда ҳаракатланаётган бир ёки бир нечта паровоз ва вагонларнинг буткул таъмирланишини талаб қиладиган даражада шикастланиши, бир ёки бир нечта одамларнинг ҳалок бўлиши, шикастланганларнинг турли даражадаги тан жароҳати олиши, авария содир бўлган жойда ҳаракатнинг меъёрдан ортиқроқ тўхтаб қолишига олиб келувчи авариялар.

3.3.4. Поездлар ҳалокати: йўловчи ёки юк ташувчи поезднинг бошқа поезд ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашуви, ҳаракатдаги таркибларнинг икки бекат оралиғида ва бекатларда издан чиқиб кетиши натижасида одамлар ўлими ва (ёки) жароҳатланиши, локомотив ёки вагонларнинг инвентар ҳисобдан чиқариб ташланадиган даражада шикастланиши, ҳалокат юз берган жойда тўқнашув ёки вагонларнинг издан чиқиб кетиши оқибатларини бартараф этиш учун кетадиган вақт меъёрдан ошиб кетишига олиб келадиган авария.

3.3.5. Йўл ҳаракати хавфсизлиги: йўл ҳаракати қатнашчилари ва жамиятнинг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан муҳофазаланиш даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати жараёни ҳолати.

3.3.6. Йўл-транспорт ҳодисаси; ИТХ: йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситалари иштирокида юз берувчи ва одамларнинг ўлимига ва (ёки) уларга оғир тан жароҳатлари етказилиши, транспорт воситаларининг, йўллар, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ва бошқа моддий зарар етказилишига олиб келувчи транспорт аварияси.

3.3.7. Ер ости иншоотидаги авария: ер ости шахталарида, тор конларида, ер ости омборлари ёки сақлагичлари, транспорт туннели ёки ишлаб чиқариш ғорида иншоотларнинг тўсатдан тўла ёки қисман вайрон бўлиши натижасида одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солувчи ёки жиддий моддий зарар етишига олиб келувчи хавфли ҳодисалар.

3.3.8. Авиация ҳалокати: ҳаво кемаларида ёки эксплуатация пайтида одамларнинг ўлими ёки уларнинг дараксиз йўқолиши, ши-

кастланиши, оғир тан жароҳатлари етказилиши, ҳаво кемасининг ва унда олиб кетилаётган моддий бойликларнинг шикастланиши ёки нобуд бўлишига олиб келувчи хавфли ҳодиса.

3.3.9. Магистрал қувурлардаги авария; Қувурлардаги авария қувур трассаларида хавфли кимёвий ёки ёнғиндан хавфли моддаларнинг босим остида отилиб ёки оқиб кетиши билан боғлиқ бўлган техноген фавқулодда вазиятларнинг юз беришига олиб келувчи авариялар.

Эслатма: қувурларда жўнатилаётган маҳсулотлар турига қараб, газ, нефть ва маҳсулот қувурларидаги аварияларга ажратилади.

3.4. Ёнғинлар ва портлашлар

3.4.1. Ёнғин хавфсизлиги: аҳолининг, халқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни ҳамда табиий атроф муҳитни ёнғиннинг хавфли омиллари ва таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати, одамлар ва моддий бойликларни тезкор эвакуация қилиш, ёнғинни чеклаш ва ўчириш учун шароит яратиш.

3.4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш: ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни, ёнғиндан хавфсизлик қондалари ва талабларини қабул қилиш ва уларга риоя қилиш ҳамда ёнғинга қарши тадбирларни ўтказиш.

3.4.3. Ёнғин: Ўз DSt 982.2000 "Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар. Атамалар ва таърифлар".

3.4.4. Ёнғин хавфи: ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши, тартиб ва чораларга риоя қилмаслик натижасида ёнғин пайдо бўлиши ва тарқалиш эҳтимоли.

3.4.5. Ёнғин хавфсизлиги талаблари: Ўзбекистон Республикаси махсус ваколатланган давлат органлари томонидан амалдаги қонунчилик ёки меъёрий ҳужжатларда ёнғиндан хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилган махсус шароит ёки ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги қондалар.

3.4.6. Ёнғинга қарши тадбирлар: ёнғинга қарши тартиб-қоидага риоя қилиш, ўз вақтида ёнғиннинг олдини олиш ва (ёки) тез ўчиришга қаратилган ташкилий ва (ёки) техник хусусиятдаги тадбирлар.

3.4.7. Ёнғинга қарши ҳолат: ўт ўчирувчилар командаси томонидан амалга ошириладиган, ёнғинга қарши тадбирларнинг доимий ўтказилиши, ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиниши ва ёнғинга қарши хизматнинг аниқ бажарилиш ҳолати.

3.4.8. Ёнғиндан сақлаш: ёнғиннинг олдини олиш ёки тўғридан-тўғри ўчириш мақсадида олиб бериладиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа тадбирлар тизими.

3.4.9. Ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд объект: фавқулодда вазиятлар юз беришига аниқ таҳдид солувчи, енгил алангаланадиган ва ёнгин – портлаш хавфи мавжуд моддалар ишлаб чиқариладиган, фойдаланиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ёки транспортда жўнатиладиган объект.

3.4.10. Портлаш: модданинг физик ва кимёвий ўзгариши ту – файли чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиши натижасида теварак – атрофда техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлиши ёки келтириб чиқаришга қодир бўлган зарбали тўлқин ҳосил бўлиши ёки тарқалишига сабаб бўлувчи тез кечар жараён.

3.4.11. Портлаш хавфи мавжуд модда: маълум таъсир натижа – сида портлашга мойил бўлган модда.

3.4.12. Зарба тўлқини: портлаш натижасида ҳосил бўладиган ва бутун фронт бўйлаб босим, ҳарорат, зичлик ва муҳит заррачалари (умумий тезлик) ўзгариши билан сиқилиш – ҳавоси сийракланган ҳолатда тарқаладиган ҳаво тўлқини.

3.4.13. Зарба тўлқини fronti: портлаш марказидан товуш тез – лигидек юқори тезликда ҳаракатланувчи сиқилган ва мўътадил муҳит ўртасидаги бўлиниш юзаси.

3.4.14. Зарба тўлқини frontiдаги оргиқча босим: зарба тўлқини frontiдаги энг юқори босим ва фронт олдидаги мўътадил атмосфера босими орасидаги фарқ.

3.5. Кимёвий хавfli объектлардаги авариялар


3.5.1. Кимёвий хавfli модда (КХМ): сақланаётган, транс – порта жўнатилаётган вақтида ёки ишлаб чиқариш аварияси содир бўлиши натижасида атроф муҳитга моддалар чиқиб кетиши ёки оқиши туфайли зарарланиш зоналари ҳосил бўлишига олиб келувчи оддий модда ёки мураккаб кимёвий бирикмалар.

3.5.2. Кучли таъсир этувчи заҳарли модда (ҚТЭЗМ): саноатда ишлатиладиган атроф муҳитга чиқиб ёки оқиб кетиши натижасида зарарланиш зонаси ҳосил бўлишига олиб келадиган кимёвий модда.

3.5.3. Кимёвий авария: кимёвий хавfli объектда хавfli мод – даларнинг тўкиб ёки ташлаб юборилиши туфайли аҳоли ва ҳудуд – ларнинг, шунингдек Қизил Китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсим – ликларнинг кимёвий зарарланишига олиб келувчи авария.

3.5.4. Кимёвий зарарланиш: хавfli кимёвий моддаларнинг ат – роф муҳитда аҳоли ва ҳудудларга, шунингдек Қизил Китобга кири – тилган ҳайвонлар ва ўсимликларга маълум бир вақт мобайнида хавfli туғдирадиган миқдорда ёки концентрацияда тарқалиши.

3.5.5. Кимёвий хавfli модданинг чиқиб кетиши: технологик қурилмаларнинг қисқа муддат ичида очилиб кетиши, кимёвий хавfli



моддалар, ақланадиган ёки жўнатиладиган идишлардан чиқиб кетиб кимёвий зарарланиш юзгага келиши.

3.5.6. Кимёвий хавfli модданинг тўкилиши: ҳаво кирмайдиган қилиб зич ёпилишнинг бузилиши натижасида технологик қурилмалардан, маҳсулот сақлашга ёки транспортда жўнатишга мўлжалланган катта сингмаи идишлардан хавfli кимёвий модданинг ёки маҳсулотнинг кимёвий ҳалокат туғдирадиган миқдорда оқиб чиқиши.

3.5.7. Кимёвий хавfli объект; КХО: фавқулодда вазиятлар юз беришига таҳдид туғдирадиган хавfli кимёвий модда ишлаб чиқариладиган, ишлатиладиган, қайта ишланадиган, сақланадиган ёки транспортда жўнатиладиган объект.

3.5.8. Биологик авария: биологик хавfli моддаларнинг аҳоли ва ҳудудларга, шунингдек Қизил Китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларга хавfli туғдирадиган, атроф муҳитга зиён етказадиган миқдорда тарқалиши билан кечадиган авария.

3.5.9. Хавfli биологик модда: аҳоли ва ҳудудларга салбий таъсир этиб атроф муҳитда заҳарланиш зонасини юзгага келтирадиган табиий ёки сунъий биологик модда.

3.5.10. Газ тозалаш қурилмалари, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авария: тозалаш иншоотларида атмосфера, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг одамлар соғлиғига хавfli туғдирадиган концентрацияда ифлосланишига, шунингдек Қизил Китобга кири – тилган ҳайвон ва ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган авария.

3.6. Энергетика ва коммунал тизимлардаги авария

3.6.1. Энергетика тизимидаги авария: ГЭС, ГРЭС, ИЭМ, туман иситиш марказларида, электр тармоқларида, қозонхоналарда сиқилган ҳаво ва газ тақсимлаш бекатларида ва энергия таъминоти – нинг бошқа объектларида рўй берадиган, оқибатда, саноат ва қишлоқ хўжалиги маъсул истеъмолчилари энергия таъминотининг ҳалокатли тўхтатилишига ва аҳоли ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келувчи авария ёки ёнгин.

3.6.2. Коммунал тизимдаги авария: газ қувурлари, сув омбор – лари, сув қувурлари, канализация ва бошқа техник коммунал об – ектларда рўй берадиган, инсонлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига ва соғлиғига таҳдид солиб атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келувчи авария.



3.7. Радиациявий хавфли объектлардаги авария

3.7.1. **Ионлаштирувчи нурланиш:** радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбл ионларни ҳосил қиладиган нурланиш.

3.7.2. **Ионлаштирувчи нурланиш манбаи:** ўздан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва (ёки) радиоактив модда.

3.7.3. **Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар:** ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олувчи, ишлаб чиқарувчи, ҳосил қилувчи, қайта ишловчи, улардан фойдаланувчи, уларни сақловчи, уларга хизмат кўрсатувчи, уларни ташувчи, зарарсизлантирувчи ва кўмиб ташловчи юридик ва jisмоний шахслар.

3.7.4. **Кузатув зонаси:** радиациявий мониторинг ўтказиладиган санитария—муҳофаза зонасидан ташқаридаги ҳудуд.

3.7.5. **Радиациявий авария:** ускуна носозлиги, ходимлар (персонал)нинг хатти—ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар туфайли келиб чиққан, фуқароларнинг меъёридан кўпроқ нурланиш олишига ёки атроф муҳитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаи устидан бошқарувнинг издан чиқиши.

3.7.6. **Радиациявий хавфсизлик:** фуқаролар ва атроф муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланган—лик ҳолати.

3.7.7. **Радиоактив ифлосланиш:** радиациявий хавфсизлик меъёрлари ва радиоактив моддалар билан ишлаш қоидаларида кўзда тутилган даражадан юқори миқдорда ҳудуднинг ифлосланиши.

3.7.8. **Радиациявий хавфли объект:** радиоактив моддалар сақланадиган, қайта ишланадиган, фойдаланиладиган ёки транспортда жўнатиладиган, ҳалокат юз берганда ёки у вайрон бўлганда одамлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликлари, халқ хўжалиги объекtlари ҳамда табиий атроф—муҳит ионлаштирувчи нурланиш ёки радиоактив ифлосланиш юз бериши эҳтимоли бўлган объект.

3.7.9. **Радиоактив ифлосланиш зонаси:** радиоактив ифлосланиш вужудга келган ҳудуд.

3.7.10. **Радиациявий муҳофаза тартиби:** одамларга ионлаштирувчи нурланиш таъсирини камайтириш мақсадида радиоактив ифлосланиш зонасида аҳолининг ҳаракат қилиш тартиби, муҳофаза воcиталари ва усуларини қўллаш.

3.7.11. **Радиацион назорат:** радиациявий хавфсизлик меъёрларига ва радиоактив моддалар ионлаштирувчи нурланишнинг бошқа манбаалари билан ишлашнинг асосий санитар қоидаларига риоя

қилишни назорат этиш, ҳамда одамларнинг нурланишдан зарарланиш даражаси, объект ва атроф—муҳит радиациявий шароити ҳақида олинган маълумот.

Эслатма: дозиметрик ва радиометрик назоратга ажратилади.

3.7.12. **Санитария—муҳофаза зонаси:** фуқароларнинг нурланиш олиш даражаси мазкур манбадан нормал фойдаланиш шароитида аҳоли учун нурланиш дозасининг белгиланган асосий чегарасидан ошиши мумкин бўлган ионлаштирувчи нурланиш манбаи атрофидаги ҳудуд.

3.7.13. **Техноген равишда ўзгартирилган радиациявий фон:** инсон фаолияти натижасида ўзгартирилган табиий радиациявий фон. Табиий радиациявий фон—бу космик нурланиш ва радионуклидларни ер, ҳаво, сув ва бошқа қобиллардаги озик—овқат маҳсулотлари ва одам организмидаги табиий тарқалиши.

3.7.14. **Ядровий хавфсизлик:** ядровий материалдан хавфсиз фойдаланишни таъминловчи чора—тадбирлар мажмуи.

3.8. Бино ва иншоотлар конструкциясининг тўсатдан бузилиши

3.8.1. **Бино ва иншоотлар конструкцияларининг тўсатдан бузилиши:** иморат ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишда баъзи кўрсаткичларнинг ҳисобга олинмай қолиши натижасида, мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар, одамлар истиқомат қиладиган иморатлар, саноат бинолари ва бошқа иншоотлар конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлашлари ва бошқа ҳодисалар сабаб бўлувчи одамлар ҳалокатига олиб келувчи, тезкор авария—қутқарув ишлари олиб борилишини ва жабрланганларга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қилувчи авария.

3.9. Гидротехника иншоотларидаги авария ва ҳалокатлар

3.9.1. **Гидротехника иншоотлари:** тўғонлар (плотиналар), гидророзлектр станциялари бинолари, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш, сув чиқариш иншоотлари, туннеллар, каналлар, насос станциялари, сув омборлари қирғоқларини, дарёлар ва каналлар ўзанлари ва тубини тошқин ҳамда емирилишлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг суюқ чиқиндилар сақланадиган жойларини ўраб турувчи иншоотлар (кўтармалар).

3.9.2. **Гидродинамик авария:** гидротехника иншооти ёки унинг бир қисмида бўлган авария натижасида бошқариб бўлмайдиган, йирик талафотлар келтирувчи, кенг муҳитга тарқалувчи сув оқими.

**Иқтисодиёт объектларида
ёнғин хавфсизлигини
таъминлашнинг
ҳуқуқий-меъёрий
асосини ташкил қилувчи
ҳужжатлар тизимидан:
3 та низом.**

“Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружидалари тўғрисида”ги НИЗОМ

“Мулкчилик шаклларида қатъи назар,
вазирликлар, идоралар, корпорациялар,
концернлар, уюшмаларнинг саноат
корхоналари ва бошқа объектларидаги
кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари
тўғрисида” НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори
билан тасдиқланган (1-илова)

**“Ёш ўт ўчирувчилар дружиналари
тўғрисида”ги
НИЗОМ**

Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 29 июндаги
243-сон қарори билан
тасдиқланган
(қарорга 2-илова)

Саноат корхоналари
ва бошқа объектлардаги
ёнғин-техника комиссиялари
тўғрисида
НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг
1995 йил 29 июндаги
243-сон қарори билан тасдиқланган
(қарорга 3 - илова)

ХУЛОСА

Шундай қилиб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. Бу ҳужжатлар талабларини чуқур билмасдан туриб фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар ходим, ҳар бир фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис бу ҳужжатларни билиб, ўрганибгина қолмай, зарур бўлган вазиятларда улардан келиб чиқадиган талабларни амалда қўллай билиши ҳам лозимдир.

Бошқача айтганда:

“Ҳар қандай қонун ижро қилинган тақдирдагина қонундир. Қонуннинг амалда ишлаши учун эса унга ёрдамчи актлар тузиш, энг асосийси эса, уни ҳаётга тадбиқ этиш керак” (И.Каримов)

Бу сўзлар мутахассисларга янада масъулиятли вазифаларни юклайди.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

